БИЗИҢ ҚУДИРЕТИМИЗ — БЕККЕМ БИРЛИКТЕ

«ИНСОН ВА ҚОНУН» • КҮШ — ӘДИЛЛИКТЕ

Газета 1996—жыл 1-сентябрден баслап шыға баслады

30-НОЯБРЬ 1997 ЖЫЛ 36 (43) ЕКШЕМБИ

сатыўда еркин бахада

АДАМ ХӘМ НЫЗАМ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҲУҚЫҚ ҚОРҒАЎ УЙЫМЛАРЫНЫҢ ЖӘМИЙЕТЛИК—ҲУҚЫҚЫЙ ГАЗЕТАСЫ

Инсон ҳуқуқлари муқаддас

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ, 1—ДАРАЖАЛИ ДАВЛАТ АДЛИЯ МАСЛАҲАТЧИСИ БЎРИТОШ МУСТАФОЕВ БИЛАН СУҲБАТ.

Қонун устуворлиги таъминланган жойдагина ижтимоий ва иқтисодий имкониятлар юзага келади, эртанги кунга ишонч пайдо бўлади. Не бахтки, истиқлолимизнинг олти йиллиги арафасида ватанимизда қонун устиворлигини таъминлашда ижобий ўзгаришлар томон салмоқли силжиш сезилмоқда.

Прокурор — фақат қораловчигина эмас, қонун ҳимоячиси, халқнинг манфаатлари қўриқчиси ҳам эканлигига бўлган ишонч шаклланиб бораётир. Натижада жамоатчилик билан прокуратура ҳамкорлиги кучаймоқда.

Яқинда Юртбошимиз имзо чеккан «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармон келгуси ишларда, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда дастуруламал бўлиши табиий. Республика Бош прокурори Бўритош МУСТАФОЕВ билан суҳбатимиз ҳам Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар борасида қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш ва жамиятимиз иллати бўлган жиноятчилик, қонунбузарликларга қарши кураш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Бўритош ака, ўзингизга маълум, Мустақиллик туфайли халқимиз қалбида руҳий уйғониш пайдо бўлди. Одамларимиз эндиликда ўз ҳақ-ҳуқуқларини танияпти. Прокуратура нафақат давлат манфаатлари ҳимоячиси, балки энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоячиси, таянчи ва маслаҳатчисидир. Бу борада «Инсон манфаатлари йили»да қилинаётган ишлардан кўнглингиз тўляптими?

— Дарҳақиқат, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган 1997 йилда прокуратура идоралари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян фаолият амалга оширилмоқда. Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида «Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, саҳий ва меҳмондўст халқидир», деб жуда тўғри айтиб ўтганлар.

Жорий йилнинг апрель ойида ўтказилган республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларининг Мувофиқлаштирувчи Кенгашида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг аҳволини муҳокама қилиб, мазкур масалада кутилган натижаларга эришишда қатор хато, нуқсонлар ва қонун бузилиш ҳоллари учраётганлиги таъкидланди.

Айниқса, дастлабки тергов, суд жараёнида ва бошқа соҳаларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор назоратининг сифат ва самарадорлигини янада ошириш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Мансабдор шахслар процессуал қонун талабларини қўпол бузган ҳолда тергов ҳаракатлари олиб боришлари, хизмат ваколатларидан четта чиқиб, асоссиз равишда фуқароларни ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш, ғайриқонуний тергов усулларини ишлатиб, иқрорлик кўрсатмаларини олишлари натижасида инсон ҳуқуқлари очиқдан-очиқ поймол қилиниши ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг обрўсига путур етказади ва уларга нисбатан аҳоли орасида ишончсизлик уйғотади.

Ўтган 1996 йилда бир қанча фуқаро алоҳида ҳибсхона ва камера туридаги хоналарда асоссиз ушлаб турилганликлари аниқланиб, озод қилиндилар.

Банк хизматчилари тадбиркорларнинг, савдо ходимлари истеъмолчиларнинг, солиқ ва божхона ходимлари томонидан кўплаб фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги, жойлардаги ҳокимият органларининг вакиллари томонидан аҳолининг конституциявий ҳуқуқлари бузилаётганлиги билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Охирги икки йил давомида ҳокимликлар томонидан чиқарилган фуқароларнинг уй-жойга эга бўлиш, меҳнат қилиш, моддий фаровон яшаш каби қатор ҳуқуқларини камситувчи, зид деб топилган 600 дан зиёд меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди. Юзлаб кам таъминланган, шу жумладан ногирони бор оилаларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, давлат томонидан ажратилаётган моддий ёрдамни тақсимлашда уларга нисбатан ижтимоий адолатсизликка йўл қўйиш ҳолларига барҳам берилди ва айбдорлар жазоланди.

Яқинда Республика Меҳнат вазирлиги тизимида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Республика Қонуни ҳамда бу борадаги ҳукумат қарорларининг ижроси текширилди.

Шунда, жойлардаги меҳнат биржалари фаолиятларида иш излаётган шахсларни рўйхатта олиш, ишга жойлаштириш, ишсизлик мақомини бериш ва ишсизлик нафақасини тайинлашда кўплаб ҳолатларда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, прокуратура органлари томонидан уларни бартараф этишга доир тегишли чоралар қўлланилди.

Биргина мисолни келтирмоқчиман. Навоий шаҳар ҳокими қарори билан шаҳар ҳудудидаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига фуқароларни қаерда яшашлигидан қатъий назар, уларни шаҳар меҳнат биржаси орқали ишга қабул қилиш тавсия этилган бўлиб, ушбу қарор Навоий шаҳар прокурорининг протести билан бекор қилинди.

Прокурор фаолиятида ташаббускорлик, давлат ва жамият, фуқаролар ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишда адолатпарварлик, ҳолислик, қонунбузарликка қарши муросасизлик талаб қилинади.

— Тан олиш керак, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўғирлик, тан жароҳати етказиш, гиёҳвандлик, ҳатто инсон жонига қасд қилиш каби оғир турлари юз бермоқда. Бунинг туб илдизи нимада, деб ўйлайсиз?

— Маълумотларга кўра мустақилликка эришганимиздан сўнг ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар ўртасида содир бўлаётган жиноятчилик ҳоллари барқарорлашиб, кейинги 6 йил ичида тахминан 2 баробарга камайганлигини кузатиш мумкин. Мамлакатда жиноятчиликнинг умумий таҳлилига асосан барча турдаги жиноятларнинг атиги 5 фоизи вояга етмаганлар томонидан содир этилган. Шу ўринда 1991 йилга нисбатан 1996 йилда улар томонидан инсонлар жонига қасд этиш 12 фоизга, оғир тан жароҳати етказиш 48 фоизга, ўғирлик жинояти эса 41 фоизга камайганини таъкидламоқчиман. Гиёҳвандлик иллатининг томир отиб кетишига йўл қўйилмаган.

Шу йилнинг 8 май куни Тошкент шаҳрида «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуида Республика конференцияси ўтказилди. Унда тўла маънода ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг онгида юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди ва аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Саволингизни иккинчи қисми жиноятчиликнинг туб илдизи ҳақида эди. Умуман олганда жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши ташкил этиш масаласи бугунги муаммо эмас. Бироқ ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни чуқур таҳлил қилиб, доимий ҳамкорликда кураш олиб бориш масаласида бир қатор хато-камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш керак.

Энг аввало, ёшларнинг ҳуқуқий онгини замон талабига мос ҳолда ривожлантиришга сидқидилдан ҳаракат қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш учун амалдаги қонунлардан келиб чиққан ҳолда етарли шарт-шароитларни яратиб бериш вазифаси давлат сиёсатининг устивор йўналиши эканлигини тўлиқ англашимиз лозим.

Иккинчидан: Ҳаётда учраб турадиган вояга етмаганлар томонидан қонунбузарликларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаб, уни бартараф этиш чораларини кўриш, ёшларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тўлиқ таъминлаб беришда барча алоқадор идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш зарур.

Учинчидан; Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ёшларнинг саломатлиги, билим олиши, меҳнат қилиши ва бошқа ҳуқуқларини тўлақонлик билан амалга оширилишини таъминлаб бориш.

Тўртинчидан; Барча ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан асосий вазифа сифатида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, шу жумладан, оғир ва ўта оғир, такрорий ёки гуруҳ жиноятчилигини ҳамда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган қонунларни бажарилиши устидан кенг жамоатчиликка таянган ҳолда алоҳида назорат ўрнатилиши керак. Акс ҳолда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг илдизига етиб бориш йилдан-йилга мураккаблашиб қолиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиб бўлмаймайди.

— Жамиятнинг олға силжишига тўсқинлик қиладиган энг катта иллат бу порахўрлик ва таъмагирликдир. Айниқса, бундай нопок ишларга айрим мансабдор шахслар қўл урса, оддий одамларнинг бундай жамиятдан кўнгли қолади. Масалан, олийгоҳнинг домласи ўз талабасидан имтиҳон баҳоси учун пул сўраса... Форма кийиб олган ички ишлар ходими, солиқчи ёки божхона нозири ўз хузурига нажот излаб келган фуқароларга таъмагирлик қилса...

— Афсуски, қанчалик қайғули туюлмасин, ана шундай жиноятлар содир этилаётир. Мисоллардан айримларини келтириб ўтмоқчиман. Хоразм вилояти Хива туманлараро ИИБнинг минтақа нозири Шомурот Матчонов шу йил 21 январь куни ўз хизмат хонасида фуқаро Х. Маткаримовдан 5.000 сўм пора олаётганда ушланган. Ш. Матчонов вилоят суди томонидан айбдор деб топилиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

(давоми 2-бетда).

Жыйналыс болып өтти

Жақында Қарақалпақстан Республикасы ҳуқық қорғаў уйымлары активиниң жыйналысы болып, оған республиканың ҳуқық қорғаў уйымларының, бир қатар министрликлердиң ҳәм ведомстволардың басшылары, район ҳәм қала, ҳәкимлериниң ҳуқық қорғаў мәселелери өз ўәкиллигине киретуғын орынбасарлары, жәмийетлик бирлеспелердиң ҳәм ғалаба хабар қуралларының ўәкиллери қатнасты. Оны республика басшысы Т. Камалов кирис сөз бенен ашты ҳәм басқарып барды.

Жыйналыста Жоқарғы Кеңестиң нызам шығарыў, нызамлылық ҳәм ҳуқық тәртиби мәселелери бойынша комитет баслығы Ж. Садықов республикада ҳуқықый реформаларды, әдил судлаўды әмелге асырыў ҳәм жынаятшылыққа қарсы гүрести буннан былай да күшейтиў бойынша Қарақалпақстан Республикасы ҳуқық қорғаў уйымларының жумысы ҳәм алдағы ўазыйпалары ҳаққында баянат жасады. Өз баянатында ол республикада ҳуқықый ҳәм экономикалық реформаларды әмелге асырыўға байланыслы мәмлекетлик бағдарламалардың орынланыўына тосқынлық етип атырған нызам бузыўларды сапластырыў, ҳуқық тәртибин беккемлеў, жынаятшылыққа қарсы гүрести күшейтиў ҳәм әдил судлаў принциплерин тәмийинлеў бойынша белгили дәрежеде жумыс алып барылып атырғанын көрсетти.

Буннан кейин, республика Ишки ислер министри, Ж. Шылманов, республика Прокуроры Х. Халимов, Жоқарғы суд баслығы, П. Айтниязов, Бажыхана басқармасы баслығының биринши орынбасары Х. Ережепов, Әдиллик министри Ф. Низамов шығып сөйледи.

Жыйналыста Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңесиниң Баслығы Т. Камалов республиканың ҳуқық қорғаў уйымларының жумысына ҳәм алдағы ўазыйпаларына кең түрде тоқтап өтти. Республика басшысы жүз берип атырған жынаятлардың, келип шығыў себеплерин ашып көрсетти. Ол жынаятшылықтың өсиўине жол қоймаў, жүз берген ҳәрқандай жынаятты өз ўақтында ашыш, жынаятшының қылмысына сай әдил жазаға тартылыўына ерисиў, жәмийетте социаллық әдиллик орнатыў ҳәммемиздиң, әсиресе ҳуқық қорғаў уйымлары хызметкерлериниң әдиўли ўазыйпасы екенин уқтырып өтти.

Ҳуқық қорғаў уйымларының жумысын жақсылаў ушын кадрларды таңлаў, тәрбиялаў ҳәм орынлы-орнына қойыў, олардың билим дәрежесин, кәсиплик маманлығын арттырыў, ҳуқық қорғаў уйымларының хызметкерлери өз жумысын нызамлардың үстинлиги, әдил лик принциплери тийкарында қурыўы керек. Адамлардың ҳуқықлары менен еркинликлерин қорғаўда , жәмийетлик тәртипти беккемлеўде, жынаятшылыққа қарсы гүрести күшейтиўде, профилактикалық жумысларды ен жайдырыўда, солай етип халықтың парахат мийнет етип, турмыс кешириўин тәмийинлеўде пидайылық көрсетиўи шәрт. Сонда ғана олардың жумысы жақсыланады.

Жыйналысқа республика Министрлер Кеңесиниң баслығы С. Әўезматов, Жоқарғы Кеңес баслығының орынбасары Р. Йулдашев қатнасты.

Қарақалпақстан мәлимлеме агентлиги.

Инсон ҳуқуқлари муқаддас

(Давоми. Боши 1 бетда).

Андижон вилоятининг Избоскан туман ИИБ минтақа нозири Нўъмонжон Содиқов ҳам худди юқоридаги ҳол каби иш тутиб, 7 февраль куни ўз хизмат хонасида фуқаро Шокиржон Нозировдан 10.000 сўм пора олган вақтда тумшуғидан илинган. Вилоят суди Н. Содиқовни Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 210-моддаси 3-қисми «Б» банди ва бошқа моддалар билан айбдор деб топиб, 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Шунингдек, 1997 йилнинг 5 ойи давомида порахўрлик жинояти бўйича 8 нафар божхона, 12 нафар солиқ ходимлари жавобгарликка тортилганлар. Навоий вилоят давлат солиқ бошқармасининг назорат-тафтишчиси Ш. Мамараимов белгиланган солиқларни камайтириш эвазига Навоий шаҳар «Шавкат» хусусий фирмаси директори Ҳамидовадан 50.000 сўм пора талаб қилган.

Бу каби хунук ҳолларнинг пайини қирқиш учун бундан кейин ҳам қатъият билан кураш олиб бораверамиз. Чунки форма кийиб олган милиционер, солиқчи ёки божхона нозири давлат номидан иш кўради. Унинг ноқонуний қилмиши эса тўғридан-тўғри давлатнинг обрўсига путур етказади. Шунинг учун бу соҳадаги қонунбузарликлар фавқулодда ҳол деб баҳоланади. Ва унинг айбдорлари ҳар доим мурасасизлик билан жазога тортилади.

— Бундан 7-8 йиллар олдин юртимизда қуролланган тўдалар пайдо бўлиб, айрим фуқароларнинг мол-мулкларини ўғирлаб, турли-туман жиноятлар содир этиб, халқнинг осойишталигини бузганди... «Мафия», «рэкет», «разбор» сўзларини эшитган узоқ қишлоқлардаги чол-кампирлар ҳам қалтирарди. Энг даҳшатлиси ҳатто айрим тубан шахслар бегуноҳ болаларни гаровга олиб, уларнинг ота-оналаридан пул талаб қилиш ҳоллари юз бераётганди. Худога шукур, Ўзбекистонда бундай жиноятларнинг илдизига болта урилди. Бугунги кунда нафақат МДҲ давлатлари, балки бошқа мамлакатлар ҳам буни тан олаяпти. Бунга эришиш осон кечмади албатта...

— Тўғри, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида эълон қилинганидан буён ўтган 6 йил мобайнида умумжиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган кўринишларига қарши курашни кескинлаштириш, республикадаги вазиятни барқарорлаштириш ва фуқароларнинг осойишталигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг кенг жамоатчиликка таянган ҳолда олиб борган мақсадли саъй-ҳаракатлари натижасида уюшган жиноятчиликнинг илдизига болта урилди. Фикримнинг далили сифатида қуйидаги рақамларни келтирмоқчиман. 1994 йилда 592 та, 1995 йилда 366 та ва 1996 йил мобайнида 219 та уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолиятлари фош этилиб, уларга барҳам берилди.

Бунга қандай эришилди?

Биринчидан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, Президентимизнинг қатор Фармонлари билан Жиноят кодексининг кўпгина моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ўта ҳавфли рецедивистлар, бир гуруҳ шахслар ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазолар кучайтирилди. Янги таҳрирдаги ЖК да ҳам бу ҳолатлар тўлиқ ўз аксини топган.

Иккинчидан, республика барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан кенг жамоатчиликка таянган ҳолда, жиноят оламида ўзларини «обрўли» ва «етакчи» ҳисоблаган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноий фаолиятларини қатъиятлик билан фош этишга қаратилган кураш кескинлаштирилди. Бунда асосий эътибор содир этилган ҳар бир жиноятни ўз вақтида фош этиш, жиноятчиларнинг ҳар бирини аниқлаб топиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилди.

Учинчидан, дастлабки тергов жараёнида жиноятчиларнинг айбларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб, уларнинг жиноий қилмишларини жиноят қонунчилиги асосида тўғри малакалаш ва уларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашда қатъиятлик кўрсатилиши юзасидан прокурор ва терговчиларнинг масъулиятлари оширилди. Тергов сифати сезиларли даражада яхшиланди.

Тўртинчидан, жиноятчиларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлашда ҳам судлар ва прокурорларнинг масъулиятлари кучайтирилди. Жазони ўтаётган маҳкумларни қонунга хилоф равишда муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод этишга чек қўйилди.

— Айрим судьялар ишларни кўраётганда бир томонламаликка йўл қўйиши оқибатида ёз-ёзлар, шикоятбозликлар кўпаймоқда. Судларда кўрилаётган жиноят ва фуқаролик ишларида прокурор назорати қандай таъминланаяпти? Яқинда таҳририятимизга Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани А. Дурдиев кўчасидаги 67-уйда яшовчи И. Абдуллаевдан шикоят хати келди. Унинг ёзишича уй-жой масаласида туман суди ишидан норози бўлиб Республика прокуратурасига мурожаат қилган. Республика прокуратураси ушбу ишни кўриб, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди раёсатига суд қарорларини бекор қилиб, ишни қайтадан кўриш учун назорат тартибида протест келтирган. Сабаби суд томонидан қонун талаблари тўлиқ бажарилмагани аниқланган. Аммо, Тўрткўл тумани суди бу ишни яна кўриб чиқиб, ишни эскича ҳал қилган. Бунинг сабаби нимада?

— Ўзбекистоннинг мустақиллиги давлатимизда мутлақо янги қонунчилик базасининг вужудга келишига шароит яратиб берди. Унинг негизини суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини мустаҳкамлаган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилди. Шу қатори прокуратурага ҳам конституциявий орган мавқеи берилдики, асосий Қонуннинг 118-моддасига мувофиқ мустақиллик тамойили асосида мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш прокуратурага юклатилди.

Кейинчалик «Судлар тўғрисида» ва «Прокуратура тўғрисида»ги ҳамда янги процессуал қонунчиликни қабул қилиниши одил судловни амалга ошириш бўйича суд органлари фаолиятида сифат жиҳатдан тубдан ўзгариш ясашга қулай имкониятлар яратиб берди. Бироқ саволда тўғри кайд килинганидек шундай мақсадга эришишда ҳамма судлар ҳам ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётирлар.

Кейинги йилларда суд ишларига протест келтириш фаолиятининг жадаллаштирилиши натижасида 1-босқич судлари томонидан ишларни мазмунан кўрилишида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг деярли ярми прокурорларнинг ташаббуси билан кассация ва назорат тартибида тузатилмоқда.

1995 йилда Республика судларининг 4.341 та шахсга нисбатан ҳукмлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

1996 йилда судлар томонидан хато-камчиликларга йўл қўйилиши бирмунча ортиб борганлиги қайд этилди ва бу даврга келиб 4.549 шахсга нисбатан ноқонуний суд ҳукмлари бекор қилинди ёки ўзгартирилди.

Жиноий ҳаракатни юридик квалификация қилиш масаласини ҳал этишда хатоликка йўл қўйилиши кенгроқ тарқалган бўлиб, бу кўрсаткич ҳар иккинчи судланганга нисбатан ўзгартирилган ҳукмларни ташкил қилади.

Жазо тайинлашда алоҳида ёндашув қоидаси бузилаётганлиги оқибатида бекор қилинган ҳукмларнинг ҳар учинчи шахсга нисбатан тайинланган жазо енгиллиги учун бекор қилинмоқда ва аксинча ҳар иккинчи шахсга нисбатани эса жазонинг оғирлиги учун ўзгартирилмоқда.

Судлар томонидан ҳукм чиқарилишида йўл қўйилаётган юқоридаги қонун бузилишларининг аниқланишига сабаб нафақат ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг кассация ва назорат шикоятлари асосий важ бўлмай, балки жиноий тажовузлар натижасида фуқароларнинг бузилган конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг давлат кафолатини амалга ошираётган прокурор протестининг ҳам асосий важини ташкил қилмоқда.

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидида кўрилган фуқаролик ишига келсак, ушбу суд томонидан яна бир жиноий ишнинг нотўғри ҳал этилганлиги тўғрисида мисол келтирмоқчиман, ҳолбуки бунга ўхшаш ҳолатлар Республикамизнинг бошқа судлари фаолиятида ҳам учраб турибди.

1996 йил 5 июнь куни Тўрткўл туман суди раиси Н. Йўлдошев, айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда ўзганинг мулкини ўғирлаган Р. Сапаровнинг ишини кўра туриб, унинг ҳаракатини асоссиз равишда енгил жазо кўзда тутилган моддага қайта малакалаб, 2 йил ахлоқ тузатиш иши белгилаган ва судланувчини суд залидан қамоқдан озод қилган.

Содир этган жиноятчи учун амалда жазосиз қолган ва озодликка чиқиб олганидан фойдаланган Р. Сапаров «ВАЗ-21063» русумли автомашинани ўғирлаб кетиб, яна жиноятга қўл уради. Туман прокурорининг кассация протестига асосан жиноий ҳаракати нотўғри малакаланганлиги ва жазони енгиллиги сабабли қонунга зид бўлган суднинг юқоридаги ҳукми бекор қилинди, бироқ ҳукм чиқарган суд томонидан қонунбузилишига йўл қўйилганлиги оқибатида рецидив жиноий фаолият учун шароит яратиб берилдики, натижада битта шахсга нисбатан уч марта биринчи инстанция ва бир марта кассация инстанциясида, жами тўрт марта суд мажлиси ўтказилди. Унча мураккаб бўлмаган мазкур ишни ҳал этилиши деярли бир йил чўзилди ва охири Сапаровга қонуний жазо белгиланди — 7 йил озодликдан маҳрум этилди.

Энди сизлардаги фактга келсак, ҳақиқатдан ҳам фуқаро И. Абдуллаев 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига Тўрткўл туман судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб мурожаат этган. Унинг важлари фуқаролик иши билан қўшиб текширилган ва суд унинг даъво-аризасини ҳал қилишда бир қанча қонун талабларига риоя этмагани аниқланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди Раёсатига прокуратурамиз томонидан назорат тартибида протест келтирилган. Шу асосда иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, Тўрткўл туман судида янгидан кўришга юборилган эди.

Аниқланишича, Тўрткўл туман суди ушбу фуқаролик ишини кўрилишида, фуқаролик-процессуал қонуннинг юқори турувчи судларнинг кўрсатмалари қуйи турувчи судлар учун мажбурий эканлиги тўғрисидаги талабини бажармаган, низони ҳал қилиш учун лозим бўлган ҳаракатлар қилинмаган, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш чоралари кўрилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси Тўрткўл туман судининг ўтган йил 21 декабрдаги даъвогар И. Абдуллаевни фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарорининг қонунийлигини текшириб, 1997 йил 16 июнь куни уларни қонун талабига зид равишда қабул қилинганлиги учун охирги суд қарорини бекор қилиб, ишни қайтадан судга юбориш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди Раёсатига назорат тартибида протест келтирган.

Сизнинг нима учун туман суди яна низони эскича ҳал қилган деган саволингизга шуни айтиш лозимки, ҳар қандай суд қарорига протест келтирилганда, ишни шу протест асосида ҳал этилишини эмас, балки қонун доирасида ҳал қилиниши назарда тутилади.

— Бугунги кунда прокуратура идораларига ходимларни ишга қабул қилиш, уларнинг малакасини ошириш ва тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз?

— Мустақил Республикамизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида олиб борилаётган улкан ишларни амалга оширишда прокуратура идоралари зиммасига юклатилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилишдек масъулиятли вазифани, айниқса, «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган бу йилда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни бекаму-кўст, муваффақиятли адо этиш, энг аввало, кадрларга боғликлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Шу сабабли юртбошимиз Ислом Каримов ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқлиги, малакали кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бериш зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Асосан прокуратура идораларига ёш мутахассислар Тошкент Давлат юридик институтини муваффақиятли тамомлаган ёшлар орасидан «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш ҳақида» ги Йўриқнома талабларига мувофиқ танлаб олиниб, уларга иш ўргатилади.

Шунингдек, прокуратура идораларидаги бўш ўринларни прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари ҳисобидан тўлдирилишига ҳам катта эътибор қаратганмиз.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган бир шароитда прокуратура фаолиятининг кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бу эса ходимларимиздан замон талабига жавоб бериш учун муттасил равишда касб маҳоратларини ошириб боришларини тақозо этади. Шунинг учун ҳам прокуратура қошидаги ўқув Марказида ўқитиш сифатини яхшилаш учун зарур чора тадбирлар кўрилди. Марказда ўқиган ходимлардан синовлар қабул қилиш йўлга қўйилиб, уларнинг билимларига тегишли баҳо берилмоқда.

Лекин ҳали бу борада қилишимиз лозим бўлган ишлар жуда кўп. Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш борасида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги сабабли баъзи бир ходимлар томонидан хизмат вазифаларини лозим даражага бажармаслик, хатто ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир этиш ҳолатлари қайд этилмоқда.

Бундай ходимлардан сафларимизни тозалашга қатъийлик билан киришилди, прокуратура ходими деган номга доғ туширганларга нисбатан қатъий ва кескин чоралар кўрилмоқда.

— Халқнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Айниқса, ҳуқуқий нашрларнинг. 1996 йил апрель ойидан бошлаб чоп этилаётган «Қонун ҳимоясида» журналининг ҳар бир сонини нафақат прокуратура ходимлари, балки халқимиз ҳам интиқлик билан кутади.

— Фуқароларнинг ҳуқуқий тарбияси, сиёсий фаоллиги ва ўз ҳуқуқий қадриятларини чуқур тушуниши учун яна қандай ишлар қилиниши керак?

— Дарҳақиқат, ҳуқуқий савияни юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Биз шуни назарда тутган ҳолда ўтган йилнинг апрель ойида «Қонун ҳимоясида» журналининг 1-сонини босмадан чиқарган эдик. Уни ташкил этишдан асосий мақсадимиз прокуратура ходимларининг соҳавий малакасини кўтаришдангина иборат бўлиб қолмай, балки халқимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишларига, ҳуқуқий онгни юксалтиришга кўмаклашишдан иборат эди. Мана ўтган қисқа давр ичида мазкур журналимиз бу борада эътиборга молик ишларни амалга ошириб, кенг омма ичига дадил кириб борди. Бугунги кунда унинг ўқувчилари сони ўн мингдан ошиб кетган. Бизнинг журнал жамоасидан умидимиз катта. «Қонун ҳимоясида» прокуратура фаолиятининг халқчиллигини таъминлашга, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўша оладиган забардаст юридик минбар бўлиб қолиши керак.

Шунингдек, кейинги икки йил ичида кўпгина вилоятлар прокуратураларида ҳам ҳуқуқий нашрлар юзага келди. Шуниси қувонарлики, мазкур нашрлар фавқулодда воқеаларга бойлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бу ҳол эса бизга республикамиздаги мавжуд вазият билан халқ оммасини яқиндан таништириб бориш имконини яратади.

Ҳозир биз тасарруфимиздаги ҳуқуқий нашрларнинг фаолиятини энг муҳим вазифаларга сафарбар этиб, уларнинг савиясини яхшилаш чораларини кўрмоқдамиз.

Бу соҳада олиб бораётган ишларимиз ўз самарасини беради. Сабаб, халқ катта куч, ҳар ишга қодир. Унга мавжуд аҳвол матбуот орқали тўғри тушунтирилса, мамлакатимиз тақдирини, ўз фарзандларининг ойдин келажагини ўйлайдиган кишилар албатта фуқаролар жамияти барпо этишдек буюк ҳаракатнинг фаол иштирокчилари бўлиб қоладилар.

Бундан ташқари Республика Прокуратурасининг Ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни мужассамлаш бўлими оммавий ахборот воситалари билан мунтазам алоқада иш олиб бормоқда.

Ўйлайманки, прокуратурамизнинг журналистлар ва умуман барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлаши юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида таъкидланган «Қонуннинг мутлоқ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши»ни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки мустақиллик туфайли халқимизга ваъда қилинаётган буюк келажакка ишонч билан қараш ҳуқуқининг рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ҳам боғлиқдир.

Суҳбатдошлар:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
Нодир МАҲМУДОВ.

(«Туркистон» газетасидан олинди).

ИСБИЛЕРМЕНЛИККЕ КЕҢ ЖОЛ

ИСБИЛЕРМЕНЛИК ДӘЎИР ТАЛАБЫ

1995 жыл 26 июль күнги Өзбекстан Республикасы Президенти И. Ә. Кәримов Пәрманына муўапық исбилерменликти ҳәм киши бизнести қамсызландырып қорғаўшы «Мадад қамсызландырыў Агентлиги дүзилген еди.

Биз жақында усы, «Мадад» қамсызландырыў Агентлигиниң Қарақалпақстандағы филиалының баслығы Б. Ақназаров пенен гүрриңлесип, өзимизди қызықтырған сораўларымызға жуўап алған едик.

Агентликтиң тийкарғы алып баратуғын жумыслары, мақсети неден ибарат?

Агентликтиң тийкарғы мақсети «Бизнес—Фонд» пенен тиккелей бирге ислесип, алыў ушын таярланылған бизнес—планларды экспертизадан өткерип, оларға қамсызландырыў полисин жеңиллетилген төлемлери менен бериў ҳәм кредиттиң мапазында оның мақсетсетке муўапық жумсалыўын, нәтийжелилигин ҳәм қайтымлылығын бақлап ҳәм керек жеринде бағдарлап барыў. Соның менен бирге және бир айта кететуғын нәрсе исбилерменлердиң мүликлерин қамсызландырыў ҳәм олардың өмирин бахытсыз ҳәдийселерден қамсызландырыў менен де шуғылланып атырмыз. Жақыннан баслап банклерден алынатуғын кредитлер ушын гиреўге қойылатуғын мүликлерди қамсызландырыў менен бирге толық ҳүжжетлерди «Гиреў ҳаққында» ғы Нызамға тийкарлана таярлап бериўди басладық.

Филиал бойынша бүгинги күнге шекем қанша шәртнама дүзилди?

Бүгинги күнге шекем филиалымыз 480 қамсызландырыў шәртнамаларын дүзип, булар бойынша жуўапкершилигимиз 303 млн. сўмнан асып баратыр. Булардан 186 шәртнама 161 млн. сўмлық кредитти, 189 шәртнама 129 млн. сўмлық мүликти ҳәм 105 шәртнама 1316 адамды 13 млн. сўмға бахытсыз ҳәдийселерден қамсызландырыў бойынша дүзилген.

Филиал дүзилгеннен баслап 270 исбилерменниң кредит алыў бойынша ҳүжжетлерин көрип шығып, булардан бүгинги күнге 202 кәрханаға 213 млн. сўмлық кредит линиясы ашылды.

Усы кәрханалардан қаншасы кредитлерин өз мүддетинде қайтарып берди?

Солардан 16 кәрхана өз кредитлерин мүддети питип қайтарып берди. Кредит алғаннан соң оларды туўры пайдаланып, мийнет нәтийжелилигин арттырып атырған исбилерменлерди биз үлкен ҳүрмет пенен тилге аламыз. Олардың қатарына Нөкистен «Ыссы нан» кәрханасы, «Айзада» фирмасы, «Пром инвест» акционерлик жәмийети, «Проин консалтинг» фирмаларын, Қанлыкөлден «Арал» киши кәрханасын, Тахтакөпирден «Жийен—Жыраў» жеке кәрханасын, Нөкис районынан «Қарақалпақстан» теплица хожалығын атап өтсек болады.

Ўақтында мәмлекеттен қарыз алып, алған қарызын беретуғын пайытлары «қысыныңқырап» жүрген айырым исбилерменлер де бар ма?

Әлбетте, салыда шигинниң де болғанындай исбилерменлердиң де ишинде исбилмейтуғын олақлар да гезлеседи. Солардың себебинен бүгинги күнге улыўма көрсеткишлер биз ойлағандағыдай емес. Өзи боларлыққа салып яки жалатайшылыққа салып жүрген «исбилерменсымақлар» бүгин еринлерин тислеп атыр. Булардан Кегейли районынан «МРСП—1» киши кәрханасы, «Дастан» фермер хожалығы. Төрткүлден «Музаффар» фирмасы ҳәм Нөкис қаласынан «Талисман» фирмалары үстинен таярланған ҳүжжетлер ҳуқық қорғаў органларына берилди.

Ал Нөкис қаласынан «Әмир Темур», «Алим» киши кәрханасы, Төрткүлден «Ходжа» киши кәрханалары алынған кредитлерди мақсетке муўапық емес жумсап, ҳәзир кредитлерди қайтарып алыў үстинде жумыс исленип атыр.

«Мадад» қамсызландырыў Агентлигиниң Қарақалпақстандағы филиалында бүгинг күнге барлығы болып 13 адам жумыс ислейди, соннан 9—жоқары, ал 2—ўи толық емес жоқары билимге ийе.

Хызметкерлердиң орташа жасы 35 ти қурайды.

Агентликтиң «Бизнес—Фонд» пенен бирликте телевидение арқалы мектеп питкериўшилери арасында өткерип атырған «Зейин» телевикторинасының әҳмийети соңғылықта кадр таңлаў сиясатында дәслепки басқышларының бири болып есапланады,

Гүрриңимиздиң ақырына келип Б. Ақназаровтан Агентликтиң бүгинги күндеги алға қойған ис режелери ҳаққында сорағанда, ол төмендегише жуўап берди;

Агентлигимиз жас, дүзилгенине енди ғана 2 жылдан асып баратыр. Бирақ, бүгинги раўажланыўы, бүгинги талап ҳәммеге де бирдей. Сонлықтан биз өз хызмет көрсетиў саламызды бунннан былай да тез пәт пенен жақсылаў ҳәм раўажландырыў жолларын излестирип атырмыз.

Жақын келешекте транспорт ийелерин, жөнелтилип атырған жүклерди, аудиторлық хызметти қамсызландырыў ислерин әмелге асырыў бойынша жумыс алып барып атырмыз. Нийетимиз орта ҳәм киши бизнести толық қамсызландырыў түрлери менен тәмийинлеп, бул бойынша хызметимизди жоқарғы дәрежеге жеткериў.

П. ХАБИБУЛЛАЕВ,
Сүўретке түсирген;
П. МАТЖАНОВ.

Жаны қаслық жаман иллет

Келешек әўладларымыздың тәрбиясы, билим дәрежесин, сана-сезимин көтериў ҳәм оларды елимиздиң ертеңги азаматлары болып жетилисиўине кеўил бөлиў баслы мақсетимиз.

«Уяда не көрсе ушқанда соны»—дегендей ҳәр бир жас өспирим үйде көрген тәрбиясы арқалы жәмийетшилик арасында унамлы ҳәм унамсыз қәсийетлери менен көзге түседи. Ата-аналар олардың муғаллимлери, басшылары менен тығыз байланыста болыўы тийис.

Ҳеш бир ата-ана өз перзентиниң жаман болыўын қәлемейди. Оны қундақтағы дәўиринен баслап көздиң қарашығындай әлпешлеп, жақсы сөзлер айтып әдиўли инсан болыў нийети менен тәрбиялайды.

Деген менен жақсы-жаман болыў перзентлериниң өзлерине де пайлы. Ҳәзирги ўақытлары жас өспиримлер арасында урлық ислеў, тонаў, зорлаў ҳәм өзин-өзи асып өлтириў жағдайлары да ушырасып турады.

Маңғыт қаласында жасаған Ешимбетов Равшан (1981-ж, туўылған) 1997-жылы 1-май күни өз үйиниң мал қорасында асылып өлген.

Төрткүл қаласында жасаўшы жас өспирим (1982-ж. туўылған) Әўезова Шийрин үйиниң коридорында асылып өлген. Тексериў барысында жынаят белгилериниң болмағанлығы анықланды. Бунынан алдын ҳеш ким менен урысып, қапа болыў себеплери де болмаған. Ата-аналары да өз арзасында ҳеш қандай даўы жоқ екенлигин билдирип, суд медициналық экспертизаға бериўден бас тартаман деп көрсеткен. Сонлықтан Өзбекстан Республикасының Жынаят Процессуал Кодексиниң 83-статья 2-бөлим ҳәм 333-статьяға тийкарланып жынаятлы ис қозғаўдан бас тартылған.

Усы тақылеттеги факт ҳәм мысалларды көплеп келтириў мүмкин. Бирақ усы жас өспиримлердиң өз жанына қаслық етип, қаршадай басынан бул дүньяны тәрк етиўине қандай жағдайлар себеп болды екен?—деген сораў туўылыўы тәбийий.

Бул жағдайлардың алдын алыў ушын бир-биреўдиң қәдир-қымбатын, өз өмириниң қызықлы, шийрин дәўирлери күтип турғанын жас өспиримлерге толық жеткерип түсиндириў тийис. Олардың бос ўақытларын бийкарға өткермеў мақсетинде мектеп ҳәм басқа да оқыў орынларында ҳәр түрли дөгереклер арқалы балаларда қызығыўшылық оятып, белгили бир кәсип таңлаў жолына бағдарлаў ата-ана ҳәм оқытыўшылардың дыққат орайында сақланса мақсетке муўапық болар еди.

Е. ПАЛМАНОВ.
Қарақалпақстан Республикасы прокуратурасының бөлим прокуроры.

Куч—адолатда!

АДАМ ҲӘМ НЫЗАМ

Нашр индекси. **Якка тартибдаги обуначилар учун** 321
Ташкилотлар учун 322

ФМТ-1

„Ўзбекистон почтаси“ Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета

Нашр индекси

АДАМ ҲӘМ НЫЗАМ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п. а. Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

АДАМ ҲӘМ НЫЗАМ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

БАЛАНЫ ЖАСТАН

БАЛАЛАР ТӘРБИЯСЫНА ИТИБАР КЕРЕК

Семьяда ата-ана тәрбиясы бала ушын тийкарғы тәрбия болып табылады. Ата-бабаларымыз «Уяда не көрсең, ушқанда соны қыларсаң» деп бийкарға айтпаған.

Ҳақыйқатында да перзент семьяда дурыс тәрбия алса ғана, келешекте ҳақыйқый инсан болып жетилиседи.

Сонлықтан биринши нәўбетте бала ушын өз ата-анасының аўызбиршилиги семьядағы сыйласық, бир-биреўге деген ҳүрмети жақсы тәсирин тийгизеди.

Тилекке қарсы, семьядағы ерли-зайыплылардың келиспеўшиликлери себепли районлық судына некени бийкарлаў ҳәм балаларының тәрбиясы ушын напақа өндириўди сораған даўа арзалар келип түспекте.

Балаларының тәрбиясы ушын тек ғана алимент өндириўди сораған 6 арза көрилип қанаатландырылды. 13 арза ҳаяллар тәрепинен берилип, арза мазмунлары тийкарынан ерли-зайыплылардың минез-қулқыларының бир-бирине сәйкес келмеўи, урыс қағыстың көп болыўы, айырым жағдайларда келин—қәйин ене менен келиспеўшилик себеплери, сондай-ақ ериниң арақ ишип келип семьяның берекетин алыў жағдайлары себеп болған.

Мысалы; Талапкер И. Б. ери Д. К. менен турмыс қурып 15 жыл бирге жасаған, араларында алды 11 жаста 3 ер балалары бар. «—Турмыс қурған дәўирден баслап-ақ арамызда сыйласығымыз жоқ, минез-қулқымыз сәйкес келмейди, күйеўим арақ ишип келип урыс шығарады, табыс таппайды»—деп некени бийкарлаўды сорап даўа арза берген.

Бурын буларға суд тәрепинен жарасыў мүддети берилип, семья қайта тикленген еди. Бирақ буннан соң да бурынғы аўҳал тәкирарланып қайта арза бериўге мәжбүр болған.

Суд тәрепинен буларға және жарасыў мүддетлери берилди, ал балаларының тәрбиясы ушын алимент өндирилди.

Сондай-ақ А. Г. ери Б. Т. менен 11 жыл қослас болған, араларында алды 10 жасар 2 қыз 1 ул баласы бар.

Өз-ара сыйласығы болмағанлығы себепли, семьяда урыс қағыс көп болып ажырасыўға мәжбүр болған.

Бул жағдайлар әлбетте балалардың тәрбиясына өзиниң кери тәсирин тийгизеди.

Семья—киши мәмлекет. Семьяның бирлигин сақлаў ушын ҳәр бир семья ағзасы жүдә үлкен жуўапкершилик пенен қарап биринши нәўбетте балалар тәрбиясына әҳмийет бериўи тийис.

«Тәрбияшының өзи тәрбияланған болыўы керек» деген пикир бар. Семьяны беккемлеўде балаларымызды жаслығынан турмысқа таярлаў, мийнет сүйгиш, тил алғыш, үлкенлерди ҳүрметлеў ҳәм кишилерге ғамхор болыў, өтирик сөйлемеў ҳәм билим алыўға умтылыў қусаған жақсы пазыйлетлерди үйретип өсирсек, келешекте булардан жақсы үлгили семьялар өсип жетилиседи. Себеби жаслар—келешегимиз. Олар ертеңги ата-аналар.

Семьяның бирлигин сақлап, ҳеш бир жас нәрестениң кеўилине гирбиң келтирмей, өмирде уўайым қайғысыз шад болып жасаўына биз ата-аналар ҳәрекет етейик.

Айпарша ЖАҚСЫМУРАТОВА,

Кегейли районы.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Ўқинг, бу қизиқ!

Америконинг Сиэтл шаҳрида шундай бир оила яшайди; Адена ва Жек Моргайлар. Улар илк бор 1937 йилда никоҳлашишган. Лекин ярим аср мобайнида улар 39 маротаба ажралишган ва қайта никоҳдан ўтишган. Уларнинг таъкидлашларича, бу ишни Гиннесснинг «Рекордлар китоби» га номи кириш учун қилишмаган, ҳатто ҳаёлларига ҳам келмаган. Фақат уларнинг феъли шунақа—бирга яшаш оғир, бироқ бир-бирларисиз яшаш ундан ҳам оғир.

* * *

Ҳисобчи Петер Шелл роппа-роса етти куну етти тун танафуссиз душ қабул қилди. Шелл бу «машғулоти» ни янада узоқроқ давом эттириши мумкин эди, агар тана териси ёрилиб кетмаганда. Дарвоқе, Шелл Мюнхенда яшайди.

* * *

II ёшли билағон 80—та тилни билувчи Буюк британиялик журналист Гарольд Уильямс ўзига хос рекордчи. У II ёшидаёқ грек, лотин, иврит, француз ва немис тилларини сувдай «ичиб» юборганди.

* * *

Мустақил Ватикан давлати дунёда энг кам одамли давлат ҳисобланади. 1986 йилги ҳисоб—китобларга кўра, мамлакат аҳолиси 750 кишини ташкил этган.

* * *

Орландо исмли жиноятчи Лион қамоқхонасидан аёл кийимини кийиб қочиб кетди. Бироқ икки соат ўтгач, яна полициячилар қўлига тушди. Сабаб; у кўчада юрганида аёл кийимида бўлишига қарамай эркаклар ҳожатхонасига кириб кетган ва кўпчиликда шубҳа уйғотган.

* * *

Сув устида уйқу. Ҳозирги кунда йигирма миллиондан ортиқ америкаликлар ичи сув билан тўлдирилган махсус тўшакларда ухлашади. Бундай усул бир неча йиллар муқаддам Америкада, тўғрироғи, Калифорнияда пайдо бўлганди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, турли бел оғриқларидан азоб чекаётганларга худди шундай усул фойда берар экан.

* * *

Сайёрамиздаги энг кенг кўча Бразилия пойтахти—Рио—де—Жанейро шаҳридадир. Узунлиги 2,4 километр келадиган бу кўчанинг эни 250 метрдир.

Сўранг, жавоб берамиз

Ижара шартномасини қандай тушунамиз? (Нукус шаҳри, А. Абдуллаев).

Ижара шартномаси деб шундай келишувга айтиладики, бунга асосан бир тараф ижарага берувчи, маълум бир мулкни иккинчи тарафга—ижарага олувчилар ҳақ бараварига вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Мулк ижара шартномаси «аренда» ёки «ижара» деб ҳам аталади. Ижаранинг ана шундай аталиши шартнома нарсасининг хусусиятига қараб, яъни ижара нарсасини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкинлиги ёки мумкин бўлмаслигига қараб белгиланади.

Агар мулкни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмаса, масалан турар жой бўлмаган бинолар, савдо бинолари, омборхоналар, ерлар, боғлар ва шунга ўхшашлар ижарага олинганида одатда «аренда» деб аталади.

Бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган мулклар ижарага берилганида «ижара», агар фуқароларнинг маиший эҳтиёжини қондиришга қаратилган ашёлар, яъни спорт буюмлари, уй-рўзғор ашёлари ва шунга ўхшаш бошқа мулклар ижарага берилганида «маиший ижара» деб аталади. Бундай аталишлар ҳуқуқий жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Аммо мулкдан вақтинча ҳақ бараварига фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда улар ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу хусусиятлар «маиший ижара» шартномасининг тузилишида яққол кўринади.

Чунки «ижара» шартномаси орқали фуқароларнинг турли-туман эҳтиёжлари таъминланади.

Шу сабабли фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш шаклларидан бири бўлган аҳолига маиший хизмат кўрсатишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жиноий жазо тушунчаси ҳақида маълумот берсангиз? (Тўрткул тумани Б. Сапаров).

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин;

а) жарима;
б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
в) ахлоқ тузатиш ишлари;
г) хизмат бўйича чеклаш;
д) қамоқ;
е) интизомий қисмга жўнатиш;
ж) озодликдан маҳрум қилиш;
з) ўлим жазоси.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари қуйидаги қўшимча жазолар ҳам қўлланилиши мумкин;

а) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;
б) мол-мулкни мусодара қилиш.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Кредит механизми деганда нимани тушунамиз? (Нукус шаҳри А. Сатторов).

Кредит механизми хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини ва кредитни бошқаришни олади. Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири кредит шартномаси бўлиб, у кредит муносабатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири—кредитга лаёқатли ликвидир. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда кредит бериш, кредитни ўз вақтида қайтаришнинг муҳим шартидир. Давлат мулки бўлган жамиятда кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кредит механизмида муҳим ўрин эгалламайди. Чунки бунда банклар мустақил субъект бўла олмайди, кредит ресурслари эса марказлашган тарзда режа асосида тақсимланади. Энг характерли томони шундаки, банклар берадиган кредитлари учун фоиз ставкаларини мустақил белгилай олмайдилар.

Бозор иқтисоди шароитида эса, кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кредит беришда эътибор қилинадиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Чунки тижорат банки ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоиз эса унинг асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

Жавобларни тайёрлаган
Р. КОБЕИСИНОВА.

Байрам бизнинг Бўстонда

Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳарида,
Бир томони Хоразм, бир томони Қоратоғда,
Султон бобом, Норимжон бобомлар яшаб ўтган,
Яхшиларнинг макони, байрам бизнинг Бўстонда,

Қанча—қанча хонлар ўтган, бу она юрт бағридан.
Аяз қалъа, Думон қалъа, Гулдурсиннинг қўрғонидан,
Қирққиз, Тўпроққалъа ўзларидан из қолдирган.
Эски шаҳарлар юртида, байрам бизнинг Бўстонда.

Тупроғи тилла, суви ширин, ҳавоси тоза Бўстонда,
Олма—узум, анжири, ҳамма мева бор боғида,
Қовун тарвуз, сабзи пиёз, нима керак инсонга?
Барчасига бой макон, байрам бизнинг Бўстонда

Яхшини-яхши дер, азалдан халқим,
Қанчалар мақтасам ҳам, кам бўлар гапим,
Минг бор эшитгандан, бир келиб кўринг дўстларим,
Шаҳар эмас жаннатга, туйға—бизнинг Бўстонга.

Ширин КАРИМБОЕВА,
Элликқалъа тумани.

«АДАМ ҲӘМ НЫЗАМ»

ШӨЛКЕМЛЕСТИРИУШИЛЕР; Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасы, Әдиллик Министрлиги ҳәм Ишки ислер Министрлиги.

Газета А-3 формасында нусқасы 12500 585 буйыртпа менен басылды.
Газета айына 3 мәртебе шығады.

Бас редактор **Роза КӨБЕЙСИНОВА.**

Редакцияның жәмийетлик кеңесгөйлери;

Парахат АЙТНИЯЗОВ, Жаңабай САДЫҚОВ, Азат НУРЖАНОВ, Бахмурат СЕЙТМУРАТОВ, Батыр МАТМУРАТОВ, Фархад НИЗАМОВ, Жаңабай ШЫЛМАНОВ, Замира ШАМУРАТОВА, Ҳакимбай ХАЛИМОВ.

Мәкан жайымыз;
Инд; 742000. Нөкис қаласы
Гәрезсизлик көшеси №44 жай. телефон; редактор; 4—47—59.

Басыуға рухсат етилген ўақты 15.00
Индекси пуқаралар ушын—321, кәрхана лар ушын—322.

Баспасөз бойынша Қарақалпақстан Республикасы Мәмлекетлик комитетиниң Нөкис полиграфкомбинаты.